

# Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgt, uzss@yandex.ru • 2021 йил 28 май • №20 (1352)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш тизимида давлат бошқарувини такомиллаштириш, бирламчи бўғинни касалликларни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш, рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, соҳа ривожланишининг яқин ва узоқ муддатли истиқболларини белгилаш, тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш, рақобат ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, тиббиёт ходимларининг билимини ошириш, таълим ва илм-фанни ривожлантириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлигининг асосий фаолият йўналишларини белгилаш ва қуйидаги янги бошқарув тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

а) соғлиқни сақлаш вазири **А.М. Хаджибаев:**

вазирлик тизими ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, улар ишини самарали ташкил этишини таъминлайди, юклатилган вазифалар ва функциялар тўлиқ бажарилиши учун шахсан жавоб беради, мазкур ташкилотлар билан боғлиқ масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

шошилиш тиббий ёрдам, республика тиббиёт (республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларидан ташқари) ҳамда тиббий таълим муассасалари фаолиятини ташкил эта-

ди, раҳбарлари фаолиятини баҳолайди, лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади, улар учун жиҳоз, дори ва тиббиёт воситалари сотиб олиш бўйича тендерлар ўтказиш ваколатларини, тизимда коррупциянинг олдини олишга қаратилган барча чора-тадбирларни амалга оширади;

б) соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари **А.Ш. Иноятов:**

оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиника ва шифохонасида (кейинги ўринларда – бирламчи тиббий-санитария муассасалари) тиббий хизматларни кўрсатишга ва сифатига, уларни жиҳозлашга ҳамда тиббиёт ходимларининг билим ва малакасини оширишга шахсан масъул ҳисобланади;

бирламчи тиббий-санитария муассасаларида штатлар нормативи, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимла-

рига малака талаблари, жиҳозлаш стандартларини ҳамда даволаш протоколларини тасдиқлайди, шартномаларни имзолайди, улар раҳбарлари фаолиятини баҳолайди, номзодларни беради, лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклифлар киритади, ушбу муассасалар учун жиҳоз, дори ва тиббиёт воситалари сотиб олиш бўйича тендерлар ўтказиш ваколатларини амалга оширади, ушбу муассасалар фаолиятига оид қарорлар қабул қилади;

в) соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари **А.А. Азизов:**

тиббиёт соҳасида рақамлаштириш, молиялаштириш, давлат-хусусий шерикликни жорий қилиш ва ривожлантиришга шахсан масъул ҳисобланади ҳамда мазкур масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун тендерлар ўтказиш, шартномалар имзолайди, рақамлаштириш, молиялаштириш, давлат-хусусий шериклик масалалари бўйича давлат тиббиёт муассасалари раҳбарлигига номзодларни беради, лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклифлар киритади, халқаро молия ташкилотлари билан ишлаш масалалари

бўйича мустақил қарорлар қабул қилади;

г) соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари **У. Ю. Собиров:**

республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари (кейинги ўринларда – республика ихтисослаштирилган марказлари)

ва кўп тармоқли вилоят шифохоналарини ислоҳ қилиш, уларни бирламчи тиббий-санитария муассасалари билан боғлаш ҳамда жойларда ишлаш тизимини йўлга қўйиш бўйича шахсан масъул ҳисобланади;

республика ихтисослаштирилган марказлари ва уларнинг филиаллари раҳбарлигига номзодларни бериш, раҳбарларни лавозимга тайинлаш

ва лавозимдан озод этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклифлар киритиш, уларни жиҳозлаш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш, тендерлар ўтказиш ва шартномалар тўзиш, ушбу марказларга бюджет маблағлари ва бепул даволанишга ордерларни тақсимлаш, шунингдек, даволаш протоколларини тасдиқлаш ваколатларини амалга оширади;

д) соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари **Э.И. Баситханова:**

► (Давоми 2-3 бетларда)

### Муносабат

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЗАМИРИДА ИНСОНЛАР САЛОМАТЛИГИ

Жорий йилнинг 25 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор бўйича Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарларининг муносабати:



**Амрилло Иноятов,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазири-  
нинг биринчи ўринбосари:

– Президентимизнинг мазкур қарори соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожланти-

риш, қолаверса, янгича ёндошувлар билан ишлашни тақозо этади. Тиббиётнинг энг муҳим бўғини бирламчи тизимдир. Албатта, биринчи навбатда ушбу тизимни юқори даражаларга кўтаришимиз, иккинчи навбатда эса аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш зарур. Сабаби, бирламчи бўғинда фаолият кўрсатаётган қишлоқ оилавий поликлиника, қишлоқ врачлик пункти, кўп тармоқли марказий ва шаҳар оилавий поликлиникаларига мурожаат этаётган аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, бу албатта, фаолиятлар самарадорлигини ошириш-

га хизмат қилади. Шунингдек, мазкур бирламчи тизимда фаолият юритаётган шифокор ва ўрта тиббиёт ходимларини малакасини ошириш, муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

**Анвар Алимов,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазири  
ўринбосари:

– Юртбошимиз томонидан қабул қилинган навбатдаги қарорнинг кўлами ниҳоятда кенг. Таъкидлаш жоизки, мазкур қарор ўзининг мазмун моҳиятига эга бўлиб, унинг туб замирида инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлиги муассасаларини кўради. Ушбу меъёрий ҳужжатда соғлиқни сақлаш тизимида давлат бошқарувини такомиллаштириш, бирламчи бўғинни касалликлар-

ни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш, рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш бўйича бир қатор муҳим вазифалар белгиланган. Шу билан бирга, ушбу қарор соҳа ривожланишининг яқин ва узоқ муддатли истиқболларини белгилаш, тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш, рақобат ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, тиббиёт ходимларининг билимини ошириш, таълим ва илм-фанни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Айниқса, вазир ва унинг ўринбосарларига юклатилган вазифаларни вертикал тарзда белгилаб берилганлиги фаолиятларимизни бир-бирига боғлиқлигини ва кетма-кетлик-



да бошқарув ишларини асосий мезонини белгилайди. Шундай экан, зиммамизга юклатилган вазифалар бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш, фаолиятлар механизмининг тўғри йўналтиришга асос бўлади.

► (Давоми 5-бетда)





Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ КОМПЛЕКС  
РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

► (Давоми. Боши 1-бетда)

оналар ва болаларни хавф гуруҳларига ажратиб, улар билан манзилли ишлашни ташкил этиш, аҳоли ўрта-сида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга шахсан масъул ҳисобланади;

оналик ва болалик масалаларида халқаро ташкилотлар грантларини жалб қилиш, маблағларни тақсимлаш, маҳаллий ижро этувчи органлар, маҳалла, ёшлар, спорт ва таълим соҳаларидаги давлат органларининг соғлом турмуш тарзи бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ваколатини амалга оширади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев) бир ой муддатда мазкур бандда кўрсатилган асосий йўналишлар ҳамда жорий этилаётган янги бошқарув тизимидан келиб чиқиб:

соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарларининг аниқ вазифалари ва функциялари тақсимотини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда ҳудудий соғлиқни сақлаш органларининг аниқ вазифалари ва функциялари тақсимотини тасдиқласин;

вазирлик марказий аппаратида инвестициядан кейинги даврни мониторинг қилиш учун амалдаги штатлар сони доирасида масъул бўлган таркибий бўлинма ташкил этсин.

2. 2021 йил 15 июндан бошлаб бирламчи тиббий-санитария муассасаларида дори ва тиббий буюмлар учун бириктирилган аҳоли жон бошига ажратилган маблағ миқдори ўртача 3 бараварга оширилсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ушбу мақсад учун 2021 йил инвестиция лойиҳаларини мақбуллаштириш ҳисобидан 165 миллиард сўм миқдоридида маблағ ажратсин ҳамда ушбу бандда назарда тутилган харажатлар учун зарур маблағларни 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида кўзда тутсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов, А.Бобоев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев) билан биргаликда бир hafta муддатда тиббиёт соҳасида инвестиция лойиҳаларини мақбуллаштириш ҳисобига ҳар бир вилоят кесимида иқтисод қилинадиган маблағларни аниқласин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев, А.Иноятов):

а) Давлат бошқаруви академияси (А.Бекмуродов) билан биргаликда илғор хорижий тажриба асосида тиббиёт соҳасида бошқарув бўйича икки hafta талик ўқув курсларини ташкил этсин ва йил якунига қадар вилоят, туман (шаҳар) тиббиёт бошқармалари бошлиқларининг ўқитилишини таъминласин.

Бунда, ўқув курсларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (А.Хасанов) билан биргаликда бир ой муддатда барча соғлиқни

сақлаш тизими ташкилотлари раҳбарлари фаолиятини баҳолаш рейтингини жорий этсин ҳамда ҳар чоракда натижаларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин;

в) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов) ҳамда Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (Ф.Шарипов) билан биргаликда бир ой муддатда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларидан келиб чиқиб, бирламчи бўғинда тиббий ёрдамнинг қафолатланган ҳажмлари рўйхатини тасдиқлаб, барча ҳудудларда амалиётга киритсин.

4. “Ўзавтосаноат” АЖ (Ш.Умурзков) 2021 йил 1 октябрга қадар жойларда, айниқса олис ва чекка ҳудудларда аҳолини манзилли профилактика ва скрининг қилиш ишларини ташкил этиш учун зарур ускуналар билан жиҳозланган махсус автобусларнинг камида 3 та тажриба намунасини яратсин ва киритсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 июндан бошлаб:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси тузилмаларига амалдаги штат бирликлари доирасида бошлиқнинг рақамлаштириш ва давлат-хусусий шериклик бўйича ўринбосари лавозими жорий қилинади. Бунда, ушбу лавозимларга тайинланаётган шахсларнинг аввалги давлат ташкилотларидаги иш жойи бўйича ойлик иш ҳақи миқдори юқори бўлган тақдирда, уларнинг аввалги иш жойи бўйича ойлик иш ҳақи миқдори сақлаб қолинади.

Рақамлаштириш ва давлат-хусусий шериклик бўйича ўринбосар ўз фаолиятида бевосита соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.Азизовга бўйсунди ва ҳисобдор бўлади ҳамда А.Азизов Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси фаолиятининг рақамлаштириш натижадорлиги бўйича масъул ҳисобланади, уларнинг ишига баҳо беради;

б) ҳар бир оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникасида электрон тизим билан ишлайдиган бир нафардан ИТ оператор – ҳамшира лавозими киритилади. Бунда, ушбу лавозимлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”-ги ПФ-6221-сон Фармонига мувофиқ ажратилаётган штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади;

в) бошқа туман (шаҳар) ҳамда барча вилоят ва республика даволаш-профилактика муассасаларида уларнинг амалдаги штат бирликлари доирасида ИТ оператор – ҳамшира лавозими киритилади.

б) Бош вазир маслаҳатчиси О.М. Умаров, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазир-

лиги (Ш.Садиков), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Азизов):

икки hafta муддатда ИТ оператор – ҳамширалар ҳамда бошқа соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида уларни ўқитиш бўйича дастур ишлаб чиқсин;

режа-жадвалга асосан ИТ оператор – ҳамширалар ҳамда бошқа соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида уларни туман (шаҳар) ИТ марказларида бепул ўқитиш машғулотларини ташкил этсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Азизов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.Пекосъ), бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар соҳада катта тажрибага эга бўлган маҳаллий ва хорижий мутахассислар ҳамда ташкилотларни жалб этган ҳолда Соғлиқни сақлаш соҳасини 2025 йилгача рақамлаштириш (E-health-2025) стратегиясини ва уни амалга оширишга доир йиллар бўйича “Йўл харитаси”-ни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Давлат тиббиёт муассасаларини 2021–2023 йилларда замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминлаш режа-жадвали 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) 2021 йил якунига қадар 17 400 та замонавий компьютер жиҳозларини харид қилиш билан боғлиқ маблағлар халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан, етмаган қисми эса ҳар йили Давлат бюджетидида Соғлиқни сақлаш вазирлиги учун кўзда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилишини назарда тутсин.

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари (А.Азизов)га тизимни рақамлаштириш учун замонавий компьютер ва ахборот техника воситаларини ишлаб чиқарувчиларнинг энг яхши таклифларини танлаб олиш йўли билан харид қилишга, истисно тариқасида, рухсат берилсин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

Соғлиқни сақлаш вазирлигида марказлашган харидлар натижасида иқтисод қилинган бюджет маблағлари тиббиёт соҳасини рақамлаштиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш ва кенгайтириш, ИТ-соҳасидаги етакчи маҳаллий ва хорижий мутахассислар ҳамда компанияларни жалб қилишга йўналтирилади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимини ислоҳ қилишга ажратиладиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларда товарлар (ишлар, хизматлар)ни давлат харид комиссияси таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

10. 2021 йил 1 июндан бошлаб туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида компьютер жиҳозлари бўйича техник ходим лавозимлари компьютер техникаси хизмати бўйича муҳандис лавозимларига алмаштирилсин ҳамда улар

зиммасига замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ҳамда ривожлантириш вазифалари юклансин.

Бунда, компьютер техникаси хизмати бўйича муҳандисларга бериладиган ҳар ойлик устама миқдори ходим лавозим маошидан 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда давлат тиббий суғуртаси тизими жорий этилишини тезлаштириш мақсадида 2021 йил 1 августдан бошлаб бошқа ҳудудларда ҳам босқичма-босқич қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширсин:

тиббий жиҳозлар, буюмлар, компьютер техникаси ва бошқа воситаларни хатловдан ўтказиш, шунингдек, тиббий ходимлар рўйхатини шакллантириш;

тиббиёт муассасаларини қафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматларни кўрсатиш учун зарур бўладиган тиббий техника билан жиҳозлаш; оилавий шифокор йўлланмаси асосида қафолатланган пакетга киритилган бепул тиббий хизматлар кўрсатиш тизимини ташкил этиш.

Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев, Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Азизов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда тиббий суғурта тизимининг алоҳида элементларини бошқа ҳудудларда жорий қилишни бошлаш юзасидан аниқ таклиф киритсин.

12. Белгилансинки, 2021 йил 1 июлдан бошлаб иш стажи беш йил бўлмаган олий маълумотли тиббиёт ходимларини нодавлат тиббиёт ташкилотларига ишга қабул қилиш билан боғлиқ талаблар давлат тиббиёт муассасаларига тенглаштирилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б.Юсупалиев) бир ой муддатда нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини ташкил этишда бино ва иншоотларга белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини халқаро стандартлардан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқсин.

13. 2021–2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари филиалларини ташкил этиш режа-жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

а) янги ташкил қилинаётган филиаллар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббиёт муассасаларининг негизида, уларнинг амалдаги штат бирликлари ва ажратилган маблағлар доирасида, шунингдек, юридик шахс мақомга эга бўлмаган асосда ташкил қилинади;

б) соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари У. Собиров ва республика ихтисослаштирилган марказлари раҳбарлари филиаллар томонидан:

касалликларни жойларда барвақт аниқлаш, профилактик чора-тадбир-



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИСОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ КОМПЛЕКС  
РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

ларни амалга ошириш, маҳорат дарсларини ўтказиш;

диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, юқори сифатли **тиббий хизматларни кўрсатиш**, шу жумладан телетиббийетни жорий этиш ва ривожлантириш;

касалликлар регистрини яратиш, илмий тадқиқотларни олиб бориш ва амалиётга татбиқ этиш, шунингдек, улар фаолиятига оид бошқа масалаларни (тиббий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш, малакали мутахассислар билан тўлдириш) ҳал қилиш юзасидан **шахсан масъул ҳисобланади**.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э. Баситханова):

а) 2021 йил 1 августдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида **перинатал ва скрининг марказлари ҳамда бирламчи тиббий-санитария муассасаларидаги оналар ва болалар саломатлигига масъул тузилмалар** (“Аёллар маслаҳатхонаси”,

пренатал скрининг хонаси, “тиббий бригадалари” таркибидаги оилавий шифокор, педиатр ва бошқалар)нинг **ҳомиладор аёлни комплекс кузатуви** бўйича қуйидаги чора-тадбирларни назарда тутувчи ўзаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштирилишини таъминловчи **ягона тизимни жорий** этсин;

ҳомиладор аёлнинг комплекс кузатуви **ягона маълумотлар** базасини яратиш;

перинатал ва скрининг марказлари ҳамда бирламчи тиббий-санитария муассасаларидаги оналар ва болалар саломатлигига масъул тузилмалар томонидан ягона маълумотлар базасига **зарур маълумотларни** киритиш, шунингдек, ҳомиладор аёлларнинг тиббий картасини юритиш;

шақлланган маълумотларга асосан

ҳомиладор аёлларга зарур **маслаҳатларни** бериш;

б) соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.Азизов билан биргаликда ҳомиладор аёлни энг эрта муддатларда ҳисобга олиниши, унинг ҳар кунги ҳолатидаги ўзгаришларни комплекс назорат қилиб бориш учун 2021 йил якунига қадар **ягона электрон база яратилишини таъминласин**;

в) Мактабгача таълим вазирлиги (А. Шин) ва Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда **икки ой муддатда** мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда тўғри овқатланишни йўлга қўйиш мақсадида **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб янгиланган овқатланиш рационини ҳамда ушбу йўналиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига** бўлган талабларни тасдиқласин ва амалиётга киритсин. Бунда, болаларнинг соғлиғига зарар ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган барча озик-овқат маҳсулотларини мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаблар ҳудудида сотишга **чекловлар қўйилсин**.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б.Юсупалиев) мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда болаларнинг соғлом ва хавфсиз овқатланишини таъминлаш мақсадида белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига сўзсиз риоя этилиши устидан **назоратни кучайтирсин**.

15. Молия вазирлиги (Т.Ишметов): оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини таъминлаш учун зарур дори ва тиббийет воситалари (“К” витамин, сурфактант ва бошқалар) билан қўшимча таъминлаш учун Давлат бюджетидан 2021 йилда **26 миллиард сўм ажратсин**, 2022 йилдан бошлаб мазкур банддаги харажатлар

учун зарур маблағларни Давлат бюджет параметрларида қўзда тутсин;

болалар тиббийет ва туғуруқ муассасаларида юқори технологик лаборатор ускуналаридан тўлақонли ва самарали фойдаланиш мақсадида 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджетидан реактив, реагентлар, сарфлов анжомлари ҳамда сервис хизматлар учун қўшимча **8 миллиард сўм ажратсин**.

16. Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни тезлаштириш бўйича “Йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг **Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини** халқаро экспертлар ва ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган буюртмаларига қўра Вазирлар Маҳкамасининг **захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан** “Соғлиқни сақлаш стратегияси – 2030”ни ишлаб чиқиш, хорижий ва маҳаллий экспертлар ҳамда ташкилотларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш чораларини кўрсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев), Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (А. Хасанов) билан биргаликда **бир ой муддатда** соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарлари, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари фаолиятини баҳолаш тизимини жорий этсин ҳамда **ҳар ярим йил якуни билан** тегишли таклифларни киритиб борсин.

Бунда, натижа кўрсатган, хизмат си-

фатини яхшилаб, аҳолини рози қилган раҳбарларни тегишли Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ташкилотлари маблағлари ҳисобидан рағбатлантириш ҳамда ишларни қониқарсиз ташкил этган **масъул кадрларга чора кўриш белгилансин**.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар 4-иловага мувофиқ киритилсин.

20. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири **А.М. Хаджибаев**, унинг ўринбосарлари **А.Ш. Иноятов, А.А. Азизов, У.Ю. Собиров, Э.И. Баситханова**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

22. Мазкур қарорнинг ўз вақтида ва натижали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **Б.А. Мусаев** ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари **Л.Н. Тўйчиев** зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **ҳар чоракда** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **Ш. Мирзиёев**  
Тошкент шаҳри,  
2021 йил 25 май

## Муносабат

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЗАМИРИДА ИНСОНЛАР САЛОМАТЛИГИ



Эльмира Баситханова,  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазири  
ўринбосари:

– Республика Перинатал, скрининг марказлари, туғуқ мажмуалари, бирламчи тизимда фаолият кўрсатаётган “Аёллар маслаҳатхонаси” маҳалланинг тиббий бригадалари, акушер-ги-

«(Давоми. Боши 1-бетда)

некологлар, оилавий шифокор ва ҳамшираларнинг ўзаро ҳамкорликдаги боғлиқлиги ягона электрон базани шаклланишида замин яратади. Шу ўринда айтиш жоизки, аҳоли ҳоҳ яқин ёки узоқ ҳудудда истиқомат қилсада, ҳомиладор аёл назоратга олиниб, электрон базага киритилади. Бу тўғрида доимий маълумотга эга бўламиз. Ҳомиладор аёл фарзандини дунёга келтиргунча электрон базада рўйхатда туради. Ҳатто туғуқ мажмуасига келгунча биз ҳам хабардор бўламиз. Албатта, бу боғлиқлик ҳар бир ҳомиладор аёл саломатлигини назоратда бўлишини таъминлайди. Йўл харитасида шифокор ва ҳамширалар малакасини ошириш механизмлари бўйича манзилли муддатли топшириқлар берилди. Бирламчи тизимда электрон поликлиника, электрон тиббий карта ҳар бир соҳа бўйича, шунингдек, бола-

лар ёки диспансер кузатувида бўлсин, фуқаролар учун тўртта саломатлик гуруҳларини тузиб, улар билан манзилли ишлаш вазифалари қўйилди.

**Наргиза Парпиева,**  
Республика ихтисослаштирилган Фитизнатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббий маркази директори:

– Давлатимиз раҳбарининг соҳага оид чиқараётган ҳар бир Фармон ва Қарорларининг туб замирида инсонлар саломатлиги ётганлигини кўраемиз. Куни кеча қабул қилинган қарорларида тизимнинг асосий мезонлари белгилаб берилганки, соҳанинг ҳар бир йўналиши кет-кетликда кўрсатиб берилган. Шу жумладан ихтисослаштирилган марказлар зиммасига ҳам катта вазифа юклатилди. Демак, рақам-

лаштириш тизим жорий қилинган экан, биз беморларимизни аниқлаб, электрон базага киритишимиз керак. Асосий мақсад, ихтисослаштирилган ёрдамни бирламчи тизимгача етказишимиз зарур. Бунинг учун фаолиятдан келиб чиққан ҳолда янги ёндошувлар, изланишларни ҳам тўхтатмаслигимиз керак. Шу билан бирга йўналишимиз бўйича аҳоли орасида соғлом турмуш тарзига эътибор қаратишимиз муҳим. Энг аҳамиятлиси шундаки, бугунги кунда ихтисослаштирилган марказлар замонавий аппаратура ҳамда юқори малакали кадрлар билан таъминланган.

Шунингдек, мураккаб операция жараёнлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Юртбошимизнинг ҳам ихтисослаштирилган соҳа ривожини бўйича бе-



раётган таклиф ва ташаббуслари ниҳоятда ўринли эканлиги, фаолиятларда аста-секинлик ўз ўрнини топмоқда. Ўйлайманки, мазкур қарор барчамизни ҳамкорликда ишлашимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Сухбатларни  
Ибодат СОАТОВА  
ёзиб олди.



## Матбуот анжумани


ШОШИЛИНЧ ВА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ: КАФОЛАТЛИ,  
ИШОНЧЛИ ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ

Куни кеча Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Шошилинч ва тез тиббий ёрдам: кафолатли, ишончли ва сифатли хизмат” мавзусидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасаддилари, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари раҳбарлари, тез тиббий ёрдам хизматининг пойтахт туманларидаги бўлим бошлиқлари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди. Таъкидлаш жоизки, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ) ва унга бириктирилган республика санитар авиацияси ҳамда Тошкент шаҳрининг “103” хизмати шошилинч тез ёрдам хизматининг бош муассасаси ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил қилинган Марказнинг 13 та филиалида махсуслаштирилган шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилади. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг 179 та аҳоли пунктларида РШТЁИМнинг субфилиал-

нинг 2018 йил 19 февралдаги тегишли буйруғи билан “Тез тиббий ёрдам хизматининг Низоми” ҳамда тез тиббий ёрдам бригадаларини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан

ри микродоридаги рентгенологик, ультратовуш, жонлаштириш ва хирургик асбоб-ускуналарини харид қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, 13,7 миллион АҚШ доллари микродоридаги эндоскопик ва лапароскопик ускуналар, тиббиёт асбоблари ва тиббиёт мебелени харид қилиш бўйича тендер ҳужжатларининг иккинчи навбати тайёрланмоқда. Шунингдек, лойиҳа-



## Маълумот ўрнида



— Биргина ўтган 2020 йилнинг 4 ойи давомида Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясига 150 дона “Форд” русумли реанимацион тиббий аппаратлар билан жиҳозланган тез тиббий ёрдам автомашиналари харид қилинди, Бугун эса республиканинг тез тиббий ёрдам хизматида 435 та реанимобил мавжуд. Аста-секин тез тиббий ёрдамда “Дамас” русумли автомобиллардан бутунлай воз кечиш режалаштирилмоқда. Ҳозирда тез тиббий ёрдамнинг кечикишлари 10-12 фоиздан 1-2 фоизгача камайди. Чақириқларга етиб бориш вақти ўртача 25-30 дақиқа бўлган бўлса, ҳозир атиги 8-12 дақиқани ташкил қилади. Тез тиббий ёрдам хизматини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш жараёнини марказлаштириш натижасида бир чақириқ учун ажратилган дори воситалари қиймати ҳар йили камидан икки баробар ошириб борилишига эришилди. 2016 йилда “Тез тиббий ёрдам” тизимида битта чақириққа дори-дармон учун ажратилаётган маблағ 745 сўмни ташкил этган бўлса, айтилган ушбу кўрсаткич ўртача 7700 сўмни ташкил этади, — дейди Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори Даврон Туляганов.

## Эътибор беринг

— Шошилинч тиббиёт йўналиши бўйича илмий изланишларни мувофиқлаштириш ва амалиётга кенг тадбиқ қилиш, тизим учун юксак малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тарбиялаш бўйича РШТЁИМнинг вазифаларини тўлақонли бажарилишини таъминлаш мақсадига Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси раисининг 2018 йилдаги тегишли қарорига биноан Марказ ҳузурда илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ташкил қилинди, — дейди РШТЁИМ директори Дониёр Алимов. — Унга шошилинч тиббиёт (14.00.40), анестезиология ва реаниматология (14.00.37) ҳамда токсикология (14.00.39) ихтисосликлари бўйича диссертациялар ҳимоясини ўтказишга рухсат берилди. Ўтган қисқа давр мобайнида янги ташкил қилинган Илмий кенгашнинг мажлисларида 23 докторлик (жумладан, 9 та DSc ва 14 та PhD) диссертацияси ҳимоялари бўлиб ўтди. Ҳозирда юртимизда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят ва туманлардаги филиаллари ва бўлимларидан иборат барча стандартларга жавоб берадиган ягона шошилинч тиббий ёрдам хизмати татбиқ этилган.



лари – шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари фаолият олиб бормоқда. Санаб ўтилган стационарлардан ташқари, тизимга “103” — тез тиббий ёрдам хизмати, санитар авиацияси ва фавқулодда вазиятларда аҳолини тиббий таъминлаш хизмати ҳам бириктирилган. РШТЁИМ — кўп тармоқли тиббиёт маркази бўлиб, у шошилинч тиббий ёрдамнинг барча йўналишлари бўйича, шу жумладан, катталар ва болалар учун жаррохлик, терапевтик, педиатрик, куйиш-токсикологик ҳамда фавқулодда ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатади. Мамлакатимизда 2016 йилда атиги 800 та “тез ёрдам” шохобчалари мавжуд бўлган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 1666 тага етказилган. Тез тиббий ёрдам бригадалари 2016 йилда жами 1648 тани ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда 2685 тага етган. Ўша даврда (2016 йилда) Тошкент шаҳри тез ёрдам тармоғида бор-йўғи 4 та реанимобил бор эди.

Соғлиқни сақлаш вазири-

таъминлашнинг янгиланган меъёрлари тасдиқланди. Бундан ташқари, тез тиббий ёрдам автомашиналари ҳайдовчилари маошига санитар вазифасини бажарганлиги учун 30 фоиз устама тайинланди.

Шу ўринда айтиш жоизки, РШТЁИМ ва унинг вилоят филиалларида 10-17 йилдан бери кечаю кундуз тинимсиз ишлатаётган тиббий даволаш-диагностика жиҳозлари ҳам техник, ҳам маънан эскирган, тез-тез ишдан чиқиб туради, уларга эҳтиёт қисмлар топиш тобора мушкуллашиб бормоқда, бунинг натижасида таъмирлаш тан нархи ҳам борган сари ошиб бормоқда ва ўз рентабеллигини йўқотмоқда. Юзага келган ушбу ҳолатнинг ечими сифатида 2018 йилда Жаҳон банки ва Ривожланиш халқаро ассоциациясининг расмий вакиллари билан 100 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги “Ўзбекистонда шошилинч тиббий ёрдам хизматларини такомиллаштириш” кредит лойиҳаси бўйича битим имзоланган. Жорий йилнинг режасига кўра 29,9 миллион АҚШ долла-

нинг барча компонентларини амалга ошириш учун маҳаллий ва халқаро маслаҳатчиларни ёллаш бўйича тендер ҳужжатлар тайёрланди ва эълонга берилди. Бундан ташқари, 2019 йилда Жанубий Кореянинг КОҒИН фонди билан умумий қиймати 2,8 миллион АҚШ долларига тенг “Тез тиббий ёрдам тизими ривожлантириш” лойиҳаси имзоланди.

Шошилинч тиббий ёрдам тизими (ШТЁТ) соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг йирик ва ўта кучли ижтимоий аҳамиятга эга тузилма ҳисобланади. Биргина 2020 йилда ушбу тизим муассасаларига жами 14,5 миллиондан зиёд беморлар мурожаат қилган бўлиб, шулардан 11 миллионга яқини тез тиббий ёрдам “103” хизмати (ТТЁХ) бўйича ва 3,5 миллионга яқини стационар тузилмаларга мурожаат қилинган. 2021 йилнинг 5 ойи мобайнида умумий мурожаатлар сони 4 миллиондан ортқини ташкил этди, 1,1 миллиондан зиёд беморларга стационар муассасаларда ёрдам кўрсатилди. Тез тиббий ёрдам хизматида тах-

минан 80-85 фоиз эркаклар, 15-20 фоиз аёллар меҳнат қилади. Шошилинч тез тиббий ёрдам тизими томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг кўламини ва аҳамиятини эътиборга олган ҳолда, аҳолига кўрсатилаётган шошилинч ва тез тиббий ёрдамни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлардан бири сифатида мамлакат тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш белгиланган. Ушбу долзарб муаммоларни ҳал қилиш мақсадида “Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси” ташкил қилинди. Тез тиббий ёрдам хизматининг сифат самарадорлиги ортиши кўплаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолишга замин яратади. Турли кўнгилсиз ҳолатлар, фалокатларда кишилар ўз вақтида керакли тиббий ёрдам кўрсатилмаганидан вафот этиши мумкин. Тизимдаги ислохотлар ҳамда замонавий тиббий технологиялар ёрдамида хизматнинг тезкорлиги ва натижадорлиги янада оширилди. ТТЁХнинг автотранспорт билан тўлиқ таъминланиши бригадаларнинг чақириқларга кечикиш ҳолатларини сезиларли камайтирди. Кечикиш ҳолатларини янада камайтириш ва иложи борида бартараф қилиш мақсадида мавжуд 2685 та бригадалардан 1591 тасининг (59,2 фоизи) дислокация нуқталарини узоқ ҳудудларда жойлашган

Шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхати ҳам тасдиқланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс”га қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси тегишли идоралар билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Матбуот хизмати

аҳоли пунктларига яқинлаштирилди. Жумладан, тугатилган 441 та кишлоқ врачлик пунктлари ўрнида тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил қилинди ва уларга биттадан бригада бириктирилди. Шунингдек, 793 та кишлоқ оилавий пунктлари ва Тошкент шаҳрининг 63 та поликлиникалари қошида ҳам худди шундай шохобчалар ташкил қилинди. Натижада, тез тиббий ёрдам бригадаларининг хизмат кўрсатиш ҳудуди радиуси ўртача 15-20 кмдан 8-12 кмгача қисқартирилди. Шунингдек, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг филиаллари ва субфилиалларида йилига 217 минг нафардан ортқ беморга стационар шароитда мураккаб хирургик амалиётлар ўтказилади, ундан ташқари яна 268,1 минг нафардан ортиғига амбулатор амалиётлар бажарилмоқда. Тизимда 87,5 минг нафарга яқин ходим фаолият олиб бормоқда, шу жумладан, шифокорлар сони 16,7 минг нафардан зиёд, ҳамширалар эса 52,4 минг нафардан ортқидир. Ҳозирги кунда кадрлар билан таъминланганлик даражаси 98 фоизни ташкил этмоқда. Матбуот анжуманида, айтилишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам, мулкый шакли ва бошқарувида катъий назар, барча тиббиёт муассасаларида аҳолига бепул кўрсатилиши ва ҳаёт учун хавф туғдирувчи ҳолатларда тиббиёт муассасаларига шошилинч тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган шахсларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ни рад этиш тақиқланиши белгиланди. Республика ихтисослаштирилган марказлари учун ва алоҳида шошилинч постлари бўлмаган тиббиёт ташкилотлари учун шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар рўйхати ишлаб чиқилди ва Соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 23 февралдаги тегишли буйруғига биноан тасдиқланди.



Сохранить здоровье

# ВЕСЬ ОРГАНИЗМ – МИШЕНЬ

Мир разумный реагирует на табачную эпидемию, предупреждая о ее необратимых последствиях. Ежегодно вредная привычка уносит 6–8 миллионов жизней, миллион из которых – жертвы пассивного курения. Это более 20 видов рака, 1,4 миллиарда долларов на лечение болезней, приобретенных вследствие постоянного отравления организма.



Ассоциация студентов-медиков Узбекистана традиционно устраивает акции, посвященные международным датам, – Всемирному дню без табака (отмечается 31 мая) и Всемирному дню отказа от курения (19 ноября). Нынешняя тема – «Пандемия COVID-19 – повод отказаться от табака». Цель кампании Всемирной организации здравоохранения – помочь 100 миллионам жителей земного шара не сокращать свои жизни.

Наша собеседница – шестикурсница Ташкентского педиатрического медицинского института Дильнора Юсупалиева, удостоенная стипендии Ибн Сино и Государственной стипендии Президента Республики Узбекистан, активный пропагандист ЗОЖ.

– Вы мечтаете стать кардиологом. Как будущий специалист, контролирующий работу сердца, расскажите о влиянии на него никотина и множества вредных соединений табачного дыма.

– Оно вместе с легкими получает первый удар. Все известные шкалы по оценке риска сердечно-сосудистых заболеваний выделяют курение как усугубляющий фактор. К примеру, у любителя сигарет учащается сердцебиение, повышается артериальное давление. Тромбообразование может привести к закупорке артерий. Долгосрочные исследования показывают: вредная привычка в разы увеличивает риск развития ишемической болезни сердца (инфаркт миокарда, стенокардия). Нагрузка на орган на 20 процентов выше нормы. Сужение сосудов ведет к гипоксии – кислородному голоданию тканей. Кстати, инфаркты и инсульты у курящих случаются в 2–4 раза чаще.

– Курение называют «прижизненной платной кремацией»...

– Точное определение. Страдает весь организм, становясь мишенью для никотина, цианида, мышьяка, угарного газа, 60 сильнейших канцерогенов. В 90 процентах случаев у заядлых курильщиков обнаруживается тяжелейшее онкологическое заболевание. Причем, как правило, на первые звончки пациенты не обращают внимания, подчас заглушая их сигаретой.

Известный пародист Александр Иванов сказал: «Курение помогает людям, боющимся

поправиться: они умирают худыми. От рака легких». А еще есть притча, в которой мудрец анализирует так называемые «плюсы» употребления табака. Этот человек не состарится, потому что переселится в мир иной молодым, его будут бояться собаки, так как придется ходить с клюкой, его дом не ограбят, так как кашель отпугнет воров...

Нет такого органа, на который не влияет табачный шлейф. Ученые установили: выкуривая пачку сигарет, человек получает дозу радиации в семь раз больше предельно допустимой. Вместе с другими канцерогенами она является главной причиной возникновения рака.

Наверняка многие хотя бы раз слышали аббревиатуру ХОБЛ. Это хроническая обструктивная болезнь легких. Как не заболеть, когда через дыхательные пути любителя подымить за год проходит более 80 килограммов табачного дегтя! Только представьте, как загрязнены легкие, лишены возможности полноценно функционировать.

Мы говорим об органах, которые быстрее всего подвергаются разрушающему влиянию. Однако страдает весь организм: слизистые, желудок, кишечник, щитовидная железа, мозг. Снижение зрения и слуха имеют ту же причину. Употребление табака ускоряет старение, обостряет любые заболевания.

– И конечно, COVID-19.

– Естественно, так как коронавирусная инфекция бьет по легким. У табака и вируса, заставившего содрогнуться весь мир, общая крупная мишень.

Курильщики, в том числе пассивные, переносят болезнь тяжелее, потому что задолго до пандемии лишили себя одной из главных ценностей – беспрепятственного дыхания. Пораженному органу труднее противостоять вирусу-разрушителю. Именно поэтому грозное заболевание вынесло в тему года. На чаше весов сигареты и жизнь, которая может оборваться в одночасье.

Читая статьи о вреде курения, подверженный пороку скептически усмехается: «Когда еще все это случится? Кто не курит и не пьет, тот здоровеньким помрет. Зато удовольствия себя не лишу». Встреча с коронавирусом не дает времени на раздумья. Развязка приходит быстро, если не молниеносно.

– Прозвучало слово «удовольствие». Значит, оно и есть основная причина любви к табаку?

– Химическая картина процесса такова. При попадании никотина в мозг и взаимодействии с его рецепторами выделяется дофамин – медиатор удовольствия, вещество, стимулирующее центральную нервную систему. Запускается своеобразная «система вознаграждения», возникает чувство удовольствия, радости. Хуже всего, что искусственно формируется ненужный рефлекс. Ассоциативная память напоминает: «Покурил – и на душе легче».

Однако не стоит забывать: естественная выработка дофамина отличается от простимулированной. Бальванство с сигаретой быстро перерастает в зависимость, и для подпитки приятного чувства нужно все больше никотина. Наверное, каждый помнит кадры из художественных фильмов, где переживания героев заканчиваются полной пепельницей окурков. На самом деле это не выход из стрессовой ситуации, а замкнутый круг, вырвать из которого способна только железная воля.

– Каким было ваше участие в акциях против табакокурения?

– Проводили «уроки здоровья» в школах. Ведь легче не начинать курить, нежели мучительно выходить из никотиновой зависимости. Начинать с младших школьников, так как они легко берут пример со старших товарищей, подвержены влиянию извне. Почва благодатная. Много вопросов, наивных детских соображений. Часто спрашивают: «Если табак настолько вреден, почему его не запретят вообще?» Объясняем, что это может вызвать более страшные последствия, и главное оружие в нашем противостоянии – человеческая сознательность и приверженность к здоровому образу жизни. Мальчиши – публика непосредственная. Кто-то после уроков просил дать плакаты для родителей: «Я им так же, как вы, расскажу».

Выходили на улицы города с флаерами и листовками о вреде табака. Предлагали альтернативу сигарете – яблоко, воду без газа.

Безусловно, переубедить человека – задача не из простых. Тем более если речь идет о складывающейся годами привычке. Как будущие врачи, зная о сложных биохимических процессах зависимости, понимаем: отказаться от приятного (а какво окружающим?!) сложно. Однако не перестаем приводить научные доводы, призываем подумать о близких, которые вынуждены дышать загрязненным воздухом за компанию.

Волонтеров, неравнодушных к данной проблеме, много. Пропагандируют ЗОЖ грамотно, выслушивая аргументы собеседника. Даже то, что люди останавливаются для беседы, рассказывают свои истории, делятся опытом, как они пытались бросить курить, но не смогли, – хороший знак. Может, кто-то лишней раз задумается и предпримет очередную попытку.

Массовость акций и внимание случайных прохожих придают уверенности: делаем нужное дело – результаты будут.

Проводя «уроки здоровья», больше склоняюсь к тому, что основная целевая аудитория – школьники. Огромное впечатление в классах производят плакаты с легкими курильщика. Наша цель – убедить не пробовать эту отраву, не подвергать организм множественным рискам.

– Как поступите, если увидите курящую беременную женщину или молодую маму с коляской?

– Признаюсь, курящих беременных женщин не встречала. Если б увидела, рассказала бы о «табачном синдроме» плода, о вероятности рождения недоношенного или больного ребенка с задержкой развития.

Детская коляска и сигарета у матери – возмутительная картина. Я немного стесняюсь подходить к незнакомым людям, но однажды около поликлиники сделала замечание такой беспечной мамаше. Мини-лекция удалась.

Думаю, это дело каждого – уберечь ребенка, не допустить, чтобы подрывали его здоровье.

– Как вообще относитесь к курящим женщинам?

– Одинаково не приемлю курящих любого пола. Не переношу даже запаха сигарет. Наткнувшись на статистические данные о росте процента женщин с никотиновой зависимостью, расстраиваюсь. Не это должно быть показателем равноправия с мужчинами! Получается, хранительница домашнего очага подбрасывает в него «отравленные поленья», программируя такое же отношение к сигарете у детей, награждая их бронхиальной астмой или другими заболеваниями.

Мне с окружением повезло: курящих нет ни в семье, ни среди однокурсников, ни среди друзей. Попробовать никто не агитировал.

– А перекур врачей вас не удивляет? Парадокс: зная в мельчайших подробностях о разрушении организма «никотиновым комплексом», они тем не менее заглушают стрессы именно таким образом....

– Как-то задумывалась об этом. Видимо, знать все о вреде еще недостаточно. Нужен еще какой-то ограничитель, показывающий несовместимость профессии и не украшающей врача привычки.

– Какой, по вашему мнению, должна быть профилактическая работа с подростками?

– Повторюсь: она должна начинаться с начальной школы, пока мальчишка или девчонка не втянулись. Первая попытка иногда способна сыграть положительную роль. Вспоминая тошноту, головокружение, а то и потерю сознания, подросток не захочет повторения неприятных ощущений. Важно грамотно и доходчиво объяснить, что так растущий организм реагирует на поступление в него яда и ни в коем случае не стоит игнорировать эти знаки. Иногда короткая фраза действует результативнее часовой лекции.

Плакаты, ролики, интерактивные беседы, фотографии из анатомического атласа с изображением пораженных легких, сердца, сосудов, реальные истории, высказывания известных людей – все можно подчинить единой цели. Обязательно подчеркнуть: «Бросать гораздо труднее, чем не начинать!» Уместно процитировать Рамочную конвенцию ВОЗ: «Сигареты... являясь высокотехнологичными изделиями, разрабатываются таким образом, чтобы создавать и поддерживать зависимость». Зависимость от табака классифицируется как отдельное расстройство.

Особо заостряется внимание на экологической проблеме: табачные продукты загрязняют окружающую среду, ядовитые вещества проникают в почву и воду. Про их концентрацию в воздухе и говорить нечего. Для эксперимента пусть дети посмотрят на обочины дорог. Сплошь усыпаны окурками.

Говорят, каждый сам должен выбирать свою судьбу. Это правильно. Однако мы не одни в этом мире и, затягиваясь сигаретой, подвергаем опасности других. Прав Лев Толстой, утверждая: «...из тысячи курящих ни один не постесняется напустить нездорового дыма там, где находятся женщины, дети, больные и старые люди».

Укорачивая свою жизнь, не отнимайте права быть здоровыми у окружающих!

Беседовала  
Ольга АЛЕКСАНДРОВА



# ТУҒРУҚХОНАЛАРГА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ УСКУНАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига «Энг ёрдамга муҳтож оналар ва янги туғилган чақалоқларга перинатал ёрдам хизматининг сифатини ошириш» қўшма лойиҳаси доирасида қиймати бир миллион АҚШ доллари бўлган замонавий тиббиёт ускуналарини топшириш маросими бўлди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – Туризм ва спорт бош бошқармаси бошлиғи Расул Зарикеев, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамедзаде, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Питер Буриан, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Мурат Курбанов Оролбўйи худудидан оналар ва янги туғилган чақалоқлар саломатлигини яхшилаш бўйича амалга ошириладиган кенг қўламли ишларга тўхталди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон соғлиқни сақлаш вазирликлари, ЮНИСЕФ ва ЮНФПА томонидан тағбиқ қилинган мазкур ҳамкорлик оналар ва янги туғилган чақалоқлар саломатлиги муҳофазаси соҳасида катта ютуқларга эришишга ўз ҳиссасини қўшди. Жумладан, лойиҳа бошланганидан бери Қорақалпоғистон Респуб-

зиб берди.

– Энди худуд аҳолисининг 50 фоиздан кўпроги ушбу туғруқхоналарда ихтисослашган перинатал ёрдамдан фойдаланиш имкониятига эга бўлади, – дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамедзаде. – Умид қиламизки, ушбу тажриба қўллаб-қувватланиб, бу бошқа туманлардаги тиббиёт муассасаларида ҳам тағбиқ этилади.

2019 йил август ойидан буён амалга оширилаётган лойиҳа Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармаси томонидан ажратилган 1,6 миллион АҚШ доллари миқдоридан молиялаштирилган бўлиб, Ўзбекистон, Норвегия, Финляндия, Корея Республикаси ҳукуматлари ва Европа Иттифоқи томонидан қўллаб-қувватланган.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикасига янги туғилган чақалоқлар интенсив терапияси бўлимлари ва операция хоналари учун 300 та тиббиёт ускунаси топширилди. Жарроҳлик асбоблари, электрокардиография жиҳозлари, ультратовуш ташхиси, доимий ижобий



мусбат ҳаво босими аппаратлари ва бошқа муҳим ускуналар шулар жумласидандир.

– Лойиҳа доирасида тақдим этилган замонавий тиббий ускуналар муддатидан олдин туғилган чақалоқларга ёрдам кўрсатиш сифатини янада оширади, – дейди Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасининг туғруқхона бўлими мудири, тиббиёт фанлари ном-

зоди Қаҳрамон Қабулов. – Бу эса нафақат Нукус шаҳри, балки яқин туманлардаги ёрдамга муҳтож оналарни ҳам қабул қилиш имконини беради.

Амалга оширилаётган ишлар чекка қишлоқ ҳудудларида тиббий хизматлар сифатини яхшилаш учун соғлиқни сақлаш соҳасида ҳукумат билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди.

Бу она ва бола саломатлиги, репродуктив саломатлик хизматларини кўрсатиш борасида маҳаллий соғлиқни сақлаш тизимининг техник ва институционал салоҳиятини оширишга, эрта ташхис қўйиш бўйича ишларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Довуд АБИБУЛЛАЕВ,  
Сурачлар муаллифи Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ.

## Масъулият

# ФАОЛИЯТЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА САМАРАЛИ ЯКУНЛАШДИ

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан Қашқадарё вилоятидаги шаҳар ва туманларга бириктирилган раҳбарлар 6 ойлик хизмат фаолиятларини самарали яқунлашди.



Шу муносабат билан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил этилган кузатиш маросимида уларнинг ярим йил давомида Қашқадарёда олиб борган фаолиятлари сарҳисоб этилиб, хизматлари алоҳида эътироф этилди. Қайд этилишича, Президентнинг соҳага доир қарорлари ва тегишли видеоселектор йиғилиши баёни ижросини вилоятимизда намунали ташкил этиш мақсадида шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларига пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ҳамда тиббиёт йўналишларидаги олий ўқув юртрларида фаолият юритаётган, юқори илмий салоҳиятга эга бўлган малакали мутахассислар 2020 йил 26 ноябрдан воҳамизда иш бошлашган эди. Вазирлик буйруғи билан уларнинг зиммасига бириктирилган тиббиёт муассасаларининг фаолиятини танқидий ўрганиб чиқиб, даволаш-профилактика, шу жумладан бирламчи тиббий-санитария муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш билан узвий алоқада ишларни ташкиллаштириш сингари бир қатор вазифалар юклатилган эди. Улар бу вазифалар ижросига муносиб ҳисса қўшишди.

биёт соҳасининг моддий-техник базасини яхшилашга кўмаклашиш, муассаса фаолиятини

нида хатлов натижасига кўра, бир ой ичида учинчи ва тўртинчи гуруҳга мансуб 20 турдан

зи катта илмий ходими, тиббиёт фанлари доктори Ахмат Дурсунов. – Бу эътироф бизни

## Эътибор беринг

**Вазирлик буйруғи билан уларнинг зиммасига:**

- ▶ бириктирилган тиббиёт муассасаларининг фаолиятини танқидий ўрганиб чиқиб, даволаш-профилактика, шу жумладан, бирламчи тиббий-санитария муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш,
- ▶ аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш билан боғлиқ ташкилий тадбирларни амалга ошириш,
- ▶ тиббиёт соҳасининг моддий-техник базасини яхшилашга кўмаклашиш,
- ▶ муассаса фаолиятини тизимли таҳлил қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш,
- ▶ беморларга қулай шароит яратишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш,
- ▶ диагностика ва даволаш жараёнларини мақбуллаштириш,
- ▶ республика муассасалари билан узвий алоқада ишларни ташкиллаштириш сингари бир қатор вазифалар юклатилган эди.

тизимли таҳлил қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, беморларга қулай шароит яратишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, диагностика ва даволаш жараёнларини мақбуллаштириш, республика муассасалари билан узвий алоқада ишларни ташкиллаштириш сингари бир қатор вазифалар юклатилган эди. Улар бу вазифалар ижросига муносиб ҳисса қўшишди.

– Яқинда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар самардорлигини ошириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан Китоб туманида

ортиқ касалликлар бўйича 1,5 минг нафар беморларга жойида керакли ёрдам кўрсатилгани боис, вилоят ва республика шифоналарига мурожаат 2 бараварга камайдигани қайд этилди, – дейди Китоб туманига бириктирилган вакил, республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази

жуда қувонтирди. Худудга бириктирилган масъул сифатида тиббий хатлов жараёнини самарали ташкил этиш, республикадаги марказлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, “маҳорат дарслари” тарзидаги мураккаб жарроҳлик амалиётларини вилоятнинг ўзида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратдик.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Рустам Йўлдошев ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Равшан Тўлақов уларга вилоятда тиббиётни ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун миннатдорлик билдиришиб, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси фахрий ёрликлари ҳамда қимматбаҳо совғаларини топширишди.

Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати.



# ВИРУС ТАСОДИФЛАРНИ ЯХШИ КЎРАДИ

**ОИВни қон орқали юктириш ҳолатлари ҳатто болаларда ҳам учрайди. Бунда айниқса ота-оналардан жиддий ҳушёрлик талаб этилади**

Одам иммун тизими танқислиги синдромини «кўринмас котил» деб ҳам аташади. Жинс, ирк, миллат танламайдиган бу оғир синдром илк бор 1981 йили аниқланган эди. 2019 йилнинг охирига келиб, бутун дунё бўйлаб ушбу касалликка чалинганларнинг умумий сони 75,7 миллионга етди, улардан 32,7 млн нафари ОИТС билан боғлиқ хасталиклар туфайли вафот этган.

Кунига тахминан 4,7 минг киши касаллик вирусини юктириб олмакда. У турли ёшдагилар, айниқса, 15 дан 49 ёшгача бўлган кишилар орасида кўп кайд этиляпти (62%).

Шунингдек, вирус юқиши натижасида ОИТСга чалиниш ҳолатлари болалар орасида ҳам учрайди.

ОИТС – одамнинг иммун тизимини ОИВ (иммунитет танқислиги вируси) шикастлаши натижасида келиб чиқадиган хасталиқдир. Вирус қонга тушгач, дастлабки даврда киши соғлигида ҳеч қандай ўзгариш сезмайди. Бу ҳолат ҳатто 8-10 ва ундан ҳам кўп йилларгача давом этиши мумкин. Кейин эса клиник белгилар узоқ давом этувчи сабабсиз йўтал, қисқа вақтда кескин озиш, тана ҳарорати узоқ вақт мобайнида сабабсиз кўтарилиши, диарея, оғиз бўшлиғи ҳамда турли аъзоларнинг яллиғланиши, хавфли ўсмалар ривожланиши билан ўзага чика бошлайди.

Бугунги кунга қадар ОИВ юктирган беморни вирусдан бутунлай халос қилувчи дори топилганича йўқ. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ушбу инфекцияга қарши вакцина ва даволувчи препаратлар яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирча эса фақат ОИВ инфекциясини юктирган беморнинг умрини имкон қадар узайтириш чораларини кўриш мумкин, ҳолос.

Бунинг учун ретровирусга қарши терапия мавжуд. Ушбу муолажа вирусни тўлиқ йўқ қилолмасда, унинг бемор организмда кўпайиб кетишига йўл қўймайди.

Шу ўринда касаллик инфекцияси қандай юқиши ҳақида ҳам қисқача айтиб ўтиш жоиз. Вирус парентераль йўл билан, яъни қон орқали, шунингдек, жинсий алоқа, касаллик юктирган онадан вертикал йўл билан хомилдорлик даври (жароҳатланган йўлдош орқали)да хомилага, туғуруқ жараёни (туғуруқ йўлида она қони орқали)да ва она сuti орқали чақалоққа юқиши мумкин.

Қуйида ОИВни парентераль йўл билан, яъни қон орқали юктириб олган икки йигитнинг ҳикоясини келтирмоқчимиз.

Зеро, қахрамонларимизнинг ҳар бир сўзи ҳар бир кишини ҳушёрликка чорлайди, саломатликни ўз вақтида, кеч бўлмайдан кадрлашга ва ҳаётни севишга ундайди.

**«7 ёшимда ОИВ юктириб олганман»**

— Ҳа, худди шундай бўлган. Яратган эгам менга, ҳали гуноҳ қилиб улгурмаган гўдакка шундай синов юборди. Аслида, бу қанчалар оғир дардлигини, келажакда ҳаётимга қандай таъсир этишини у пайтлар билмаганман, тушунмаганман. Яқинда 16 ёшга тўламан. Икки йил олдин ҳаммасини англаб етдим, нима бўлганди, ўзи, 7 ёш бола инфекцияни қаердан юктириб олганди, бу касалликнинг азоблари, оғриқлари қандай, ҳамма-ҳаммасига энди ақлим етади. Минг афсуски, ҳаётда шунақаси ҳам бўлар экан...

Ойимнинг айтишича, 6 ёшгача нимжон, жуда кўп касалланадиган бола бўлган эканман. Ота-онам 5 яшарлигимдаёқ ажрашиб кетишган. Онам мени ёлғиз қатта қилди, ҳар қандай қийинчиликка мен учун чидади. Эслашимча, шаҳардаги болалар шифохоналарининг деярли ҳаммасида ётиб чиққанмиз. Мени жуда кўп даволашган, лекин тузалмасдим, эрта кунда касалхонага тушаверардик. Иложсиз қолган онам табиблардан нажот кутган, «ўлим тўшади» деган беморни ҳам оёққа тургазвораман» дейдиган фирибгарларга кўп дуч келган.

Кўшни маҳаллада узоқ йиллар болалар шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлаган аёл бор эди. Бир куни ўша аёл менга қон куйиш кераклигини айтибди. Ойим ёшлигида гепатитнинг «В» тури билан оғригани учун қон донорини кидирган. Кейин эса дадамни топган ва менга қон беришга уни кўндирган. Шундай қилиб, ҳамшира холанинг уйида томиримга дадамнинг қонини куйишди. Қон куйилганидан сўнг мен яхши бўла бошладим. Касалланмай қўйдим. Орадан бир йил ўтди. Бир куни онам отамнинг гиёҳванд бўлиб қолгани, оғир касалликка чалингани ҳақида эшитиб қолибди. Бу хабар уни саросимага солди, роса асабийлашгирди ва онам мени етаклаб, шифохонама-шифохона югурди. Қонимни текширишди. Афсуски, ОИВ тахлили ижобий экан. Онам бу гапга асло ишонгиси келмасди, мени шаҳардаги бошқа ОИТС марказларига ҳам олиб борди. Ҳаммасида бир хил жавоб.

Онам ўшанда дадамни текширувлардан ўтишга мажбурлаган ва дадамда ҳам натижалар ижобий чиққан экан. Хуллас, вирус менга дадамнинг қонидан ўтган.

нидан ўтган.

Буларнинг ҳаммасини 14 ёшга тўлганимда тўлиқ англадим. Унгача соғлиғим ҳақида ҳеч нима билмасдим, шунчаки ҳаммаси табиий туюлар, дунёдаги ҳамма болалар мен ичаётган дориларни ичишади, деб ўйлардим. Фақат баъзи-баъзида ҳаётимга мана бу саволлар келарди: нега ойим мени эҳтиётлайверади? Бошқаларнинг онаси уришади, ҳатто уради, менинг онам эса кўнглимга қарагани-қараган. Бошқа болалардан қандай фарқим бор?..

Кейинчалик ҳаммасини тушунтирган онам мендан йиғлаб кечирим сўради: «Билиб-билмай иш қилдим, шифокорга бормай, текширтмай қон куйдирганим учун шундай бўлди, аҳмоқ онангни кечир, болам», деб ўзини айблади. Кейин касаллигим ҳақида ҳеч кимга оғиз очмаслигимни сўради.

Аслида, менинг тенгқурларимдан ҳеч кам жойим йўқ. Ҳамма қатори ўқийман, баҳоларим «5», инглиз тилини яхши биламан. Икки йилдан бери хитой тилини ҳам ўрганяпман. Футбол ўйнайман, хоҳлаганимча югураман. Фақат онам ора-сира менга орзу қилишим мумкин бўлмаган касбар ҳақида эслатиб туради. Майли, дейман, мен ҳам, профессионал спортчи бўлолмасман, лекин яхши иқтисодчи бўлишим мумкин-ку!

Агар келажакда хорижга кетолсам, онамни ҳам олиб кетиш ниятим бор. Германияда яшаб ишламоқчиман. Кейин оилам, болаларим бўлишини ҳам орзу қиламан. Билмадим, бунга ҳақким бормикин... Орзу қилишга қиламан-у тасаввуримда бахтим, болаларим ва уларнинг онаси жуда ҳам хира кўринади.

Шу кунгача бирор қизни севиб қолишни ўзимга тақиқлаб келдим, бу севги бахтли яқун топмаслигини биламан. Била туриб, кимнидир бахтсиз қилишим тўғри эмас... Барибир сизни қувонтириш учун ҳарқат қиламан, она! Ўқийман, зўр мутахассис бўламан, билишим билан, меҳнатим билан сизга раҳматлар олиб бераман! Фақат йиғламанг, она...

**«Вирус тасодифларни яхши кўради...»**

— 17 ёшдаман, 9 яшарлигимда шифохонада ОИВ юктириб олганман. Онаминг эслашича, ўшанда камқонликнинг оғир даражаси билан касалхонага тушган эканман. Шифокорлар зудлик билан қон куйиш кераклигини айтишгач, ота-онам менга донор кидиришган. Тез орада шифохонадаги ишчилардан бири менга қон берадиган бўлади ва унинг қони текширилиб, донорлик қилишига рухсат берилди. Шундан кейин орадан бир йил ўтиб, қайта текширувга бордик. Негадир, онам мендан ОИТС текшируви учун



ҳам қон олишларини сўради. Чунки, менга донорлик қилган киши ота-онаминг кўнглида шубҳа уйғотган экан. Улар доим «шу ишни бекор қилдик, донорлик қилган одамнинг юзида нур йўқ эди», дейишарди бир-бирларига. Хуллас, мени текширишди, натижалар ижобий чиқди, яъни ОИВ аниқланди. Менга қон берган одам ҳам тиббий тахлил топширди ва унда ҳам вирус аниқланди.

Ота-онам шифохонадагилар билан узоқ тортишишди, ҳолат бўйича экспертлар тайинланди, айбдорлар кидирилди. Аммо буларнинг ҳеч бири энди мени оғир дарддан кутқара олмасди.

Ойим жуда кўп йиғлади. Унга кўшилиб, тушуниб-тушунмай мен ҳам йиғлардим. Ўшанда нега йиғлаганимни билмайман, ахир, ёш эдим, касаллик ҳақида ҳеч нима билмасдим, билсам ҳам унинг нима эканига, оқибатларини тасаввур қилишга ақлим етмасди. Ҳаммаси улғайганимдан кейин бошланди.

Мен ҳаётни ёмон кўра бошладим, келажакимни йўққа чиқардим, ўлимимни кутиб яшашга одатландим. Назаримда, ҳамма мендан ўзини олиб қочаётгандек эди, ўзимни ёлғиз ҳис қилардим. Тушқунлик, умидсизлик баъзан шунчалар қийнардики, нега айнан мен дея бор овозим билан бақиргим келарди, ҳамма нарсани уриб-отсам, хуморимдан чиқаман, деб ўйлардим.

Кейинроқ бу тўғри эмаслигини тушуниб етдим. Ва қарор қилдим: касалликни ёлғон, ўзимни соппа-соғ ҳисоблайман! У йўқ, мен соғломман,

**Ҳатто шифохона ёки поликлиникада бирор касаллик сабаб даволанаётган бемор (ёки унинг яқинлари) ҳам терапевтик жараёнларга бефарқ бўлмай, ўз саломатлиги учун ўзи қайғуриши зарур. Зеро, касалликни бошидан ўтказган бемор айтганидек, вирус тасодифларни яхши кўради ва у исталган пайтда, исталган кишига хавф сола билади.**

Шавкат ИКРОМОВ.  
Kun.uz.



## Эътироф

## ҚАЛЪЛАРДА ҲАМОН БАЙРАМ ШУКУҲИ

Дунёда касблар хилма-хил ва шарафлидир. Ана шундай шарафли касблардан бири тиббиёт ходимлари бўлиб, улар меҳнатини қанчалар мадҳ этсақда, озлик қилади. Инсон ҳаёти хавф остида турган бир пайтда, ўз жонини фидо айлагувчи шифокору, ҳамшираларимиз ҳам йўқ эмас.

Бугунги кунда мамлакатимиз тиббиёт тизимида астойдил хизмат қилаётган кўп сонли соҳа ходимларининг фидойи хизматлари Давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги бу албатта, қувонарли ҳолдир.

Шунингдек, Президентимиз томонидан соҳага оид чиқарилаётган ҳар бир меъерий ҳужжатлар замирида инсон саломатлиги ва турмуш фаровонлиги ҳамда тиббиёт ходимларининг меҳнатига бўлган

нинг замонавий қиёфа кашф этганлигини, замонавий апаратуралар ва малакали кадрлар билан таъминланганлигини кўрамиз. Айниқса, халқимизнинг тиббиёт ва саломатлигига бўлган эътибори ошиб, уларнинг соҳа ходимларига бўлган ишночи ортомқда. Шундай экан, халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қилаётган Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ходимлари меҳнатидан кўплаб фуқароларимиз мин-

эътироф десак, муболаға бўлмайди. Кунни-кеча мазкур клиникада байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Унда фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари, шунингдек, меҳнат фахрийлари иштирок этди. Тадбирни кириш сўзи билан очган клиника бош шифокори Дилдора Рустамова иштрокчиларни ўтган байрамлар билан самимий кутлаб, улар меҳнати масъулиятли ва шарафли эканлигига алоҳида тўхталди. Тадбирда тиббиёт муассасасида кўп йиллар давомида фаолият олиб борган марҳум тиббиёт ходимлари хотирланди. Меҳнат фахрийлари ҳамда айни кунда меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари хизмати қадрланди. Шунингдек,



ёриқларни Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиника бош шифокори Дилдора Рустамова ва Ўзбекистон Ҳамширалар ассоциацияси раиси Гулнара Усмоновалар топширишди.



эътибор мужассамлигини кўрамиз. Фикримизнинг исботи сифатида айтишимиз жоизки, бугунги кунда қайси бир ҳудудда бўлмайдик, шифо масканлари-

натдор бўлмоқдалар. Албатта, жамоанинг таҳсинга лойиқ ишларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаб рағбатлантириш улар меҳнатига бўлган

Халқаро ҳамширалар кунини муносабати билан ўтказилган 12 та номинация бўйича танлов голиблари ҳам тақдирланди. Қимматбаҳо совға ва фахрий

Албатта, бундай ўзгача шукуҳ билан ўтказилаётган байрам тадбирлари соҳа ходимларининг масъулиятли ва фидойи меҳнатларига бўлган эътирофнинг ёркин ифодасидир.

Намоз ТОЛИПОВ.

## Эҳтиёткорлик—давр талаби

## Кўнгилисиз ҳолатларнинг олдини олиш

Маълумки, бу йилги баҳор серёғин келганлиги сабабли ўт ўланларнинг одатдагидан ҳам тез ўсиб кетишига сабаб бўлди. Юртимизга ҳадемай, ёз фасли ҳам кириб келади. Албатта, ёзнинг жазирмали кунларида дарахтлардаги шохлар ва ўт-ўланлар қовжирай бошлайди.

Унинг натижасида қуриб қолган шох ва ўтлардан ёнғин келиб чиқиш хавфи табиийдир. Бунга асосий сабаб, ўчирилмаган сигарет, шунингдек, назоратсиз қолдирилган болаларнинг гугурт ўйнаши ҳамда ҳудуд аҳолисининг эътиборсизлигидир. Ёқилган гулханлар натижасида ёқимсиз хид тарқалади. Бундан ташқари, унинг тутини аллергия касалликларни кўзга келтириши ҳамда хонадонларга ҳам хавф солиш эҳти-моли йўқ эмас. Шунинг учун ҳам қуриган ўтларни йиғиштириб олиш, махсус транспорт воситалари ёрдамида чиқиндиҳоналарга жўнатиш ёки хандақларга кўмиш мақсадга мувофиқдир. Бундай чора тадбирлар ёнғин хавфсизлигини таъминлаши билан бирга аҳоли саломатлигини сақлашга хизмат қилади.

Миробод туман фавқулодда вазият-

лар бошқармаси қуйидагиларга риоя қилишини сўрайди:

– ўз яшаши ҳудудингиздаги шох шаба-лар ва қуриган ўтларни махсус жойларга чиқариб ташланг ва ётоқ жойларида си-гарет чекманг;

– ёш болаларга газ ва электр мослама-ларидан фойдаланишни ишониб қўйманг;

– ёш болаларнинг уйда ёлғиз қолди-рманг;

– болаларнинг гугурт ўйнашларида ҳамда пиротехника воситаларидан фой-даланишларида йўл қўйманг;

– турар жой бинолари ертўлаларида портловчан газ балонлар, енгил алангала-нувчан суюқликлар, ёнувчан маҳсулотлар сақламанг.

Албатта, кўнгилисиз ҳолатларни ол-дини олиш ўзимизга боғлиқ эканлиги-ни унутмаслигимиз керак.

Ҳасан СОБИРОВ,

Миробод тумани ФВБ профилактика ва НБ инспектори, катта сержант.

## Куйишда биринчи ёрдам кўрсатиш

Фавқулодда ҳар қандай вазият юз бериши мумкин. Бундай ҳолатларга ҳар би-римиз тайёр туришимиз керак. Шундай ҳолатлар бўладик, тиббиёт мурожаат қилмай туриб, ўзимиз биринчи ёрдамни кўрсатишимиз лозим бўлади.

Куйишни тўхтатиш:

Сиз кимгадир ёрдам бераётган бўлсангиз, аввал ўзингизга ҳеч нарса хавф солмаётган-лигини текшириб кўринг.

Керак бўлса, шифокор чақириш мумкин. **Агар қуйидаги ҳолатлар юз берса, ал-батта тез ёрдамга кўнгирик қилиш керак.**

• Шикастланиш электр токи уриши на-тижасида юз берган бўлса.

• Кимёвий куйишларда.

• Учинчи ва ундан юқори даражали куйишларда, яъни тери устида катта қавариқлар пайдо бўлса, куйган жойдаги тери жигарранг ёки қора ранга кириб, қуруқ ва жонсиз ҳолатга келса.

• Тана юзасининг 10 фоиздан ортиқ ҳар қандай даражадаги куйишларда.

• Бола ёки 70 ёшдан ошган одам куйганда. Агар куйиш енгил, лекин диаметри беш сантиметрдан кўп бўлмаса, тез ёрдам чақир-маса ҳам бўлади. Лекин барибир шикастлан-ганларга ёрдам бериш пунктигача бориш ке-рак.

Куйган жойни совитиш:

Шикастланган соҳани 15-20 дақиқа да-

вомида оқиб турган совуқ сув тагида тутиб туриш керак.

Куйган жойга қуруқ ва тоза бинт қуйиш керак

Яхшиси бинт зарарсизлантирилган бўл-гани маъқул. Бинт ёки доқа куйган жойни тў-лиқ ёпиб турадиган ўлчамда бўлиши керак. Бинтни унчалик маҳкам қилиб боғламаслик лозим.

Озриқни қолдирувчи дори бериш керак.

Зарар кўрган одамга асоси парацетамол, ибупрофен ёки нимесулид бўлган ҳар қандай таблеткалар ёрдам беради.

Суюқлик ичириш.

Зарар кўрган одам иложи борича кўпроқ суюқлик ичиши керак, чунки куйиш, ҳатто кичкина бўлса ҳам айланувчи қон ҳажмини камайтиради.

Жанибек САЛИМБАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Администрацияси маъмурий  
бинолардан фойдаланиш бошқармаси  
биносида ЁХТ ташкил этиш 4-бўлимаси  
ёнғин назорати ва профилактика  
бўйича мутахассиси, катта сержант.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир  
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳаф-танинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олин-ди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)  
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг  
11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома  
рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 809 нусха.  
Буюртма Г-540

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Босмаҳонага топшириш вақти – 20.00.